

## Кимни эртага Аллоҳ Таолога мусулмон ҳолда йўлиқиш хурсанд қилса...

13:20 / 02.04.2018 2949

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бу киши: «Кимни эртага Аллоҳ Таолога мусулмон ҳолда йўлиқиш хурсанд қилса, ушбу намозларни азон айтиладиган масжидда адо қилсин. Албатта, Аллоҳ набийларингиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳидоят йўлига йўналтириб қўйган. Албатта, беш вақт намозни масжидда жамоат билан ўқиш ҳидоят йўлларидадир. Агар сизлар ҳам уйида қолиб, намоз ўқувчи кишилар каби уйингизда ўқисангиз, набийларингиз суннатини тарк қилган бўласизлар. Агар набийларингиз суннатини тарк қилсангизлар, залолатга кетасизлар. Биз саҳобаларни кўрар эдик. Маълум бир нифоқи бор мунофиқ бўлмаса, жамоат намозидан қолмас эди. Икки кишининг орасида келиб бўлса ҳам, сафда турар эди», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Имом Муслимнинг бошқа ривоятларида: «Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳидоят йўлларини ўргатдилар. Азон айтиладиган масжидда намозни жамоат билан ўқиш ҳидоят йўлларидадир», дедилар.